O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

*Ватан ҳимояси - иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
● 2004 йил, 25 май, сешанба № 62 (1950). ● Сотувда эркин нархда.
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
● Вторник, 25 мая, 2004 г. № 62 (1950). ● В розницу — цена свободная.
Газета издается с 24 июня 1992 г.

## Партия сайловга тайёрланмоқда

24 май куни Тошкентда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг йиғилиши бўлди.

Унда партиянинг ижтимоий базасини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар, ҳудудий ташкилотларни сайлов кампаниясига тайёрлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятига тўхталиб, уларни жамиятимиз ҳаётига демократик янгиланишларни кенг жорий этиш, халқ манфаати, юрт тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш йўлида янада фаол бўлишга даъват этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, аввало мулкдорлар, тадбиркорлар ва ишбилармонларга таянадиган янги сиёсий куч сифатида мамлакат сиёсий саҳнасига кириб келди.

Партия ташкил топганидан буён ўтган олти ойлик қисқа давр мобайнида тўлақонли сиёсий куч сифатида шаклланди. Унинг аъзолари сони 40 минг нафардан ошди. Аъзоларнинг 60 фоиздан кўпроғи мулкдорлар, тадбиркорлар, фермерлардан иборат. Партиянинг вилоятлар, шаҳар ва туманларда тузилмалари шаклланди. Бошланғич ташкилотларни изчил шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Бугунги кунда бошланғич қуйи ташкилотлар сони 3,5 мингдан ошди.

Шу билан бирга, йиғилишда партия фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммо ва камчиликлар ошкора танқид қилинди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлида аввало партия Дастурида кўзда тутилган вазифаларни ҳаётга кенг жорий этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Айниқса, мамлакатда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларга тайёргарлик бораётган ҳозирги шароитда партиянинг фуқаролар турмуш даражасини яхшилаш, мулкдорлар давлат ва жамият тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг асосий омилига, иқтисодиётнинг етакчи кучига айланиши ўз аксини топган истиқболли дастурлари бўлиши кераклиги қайд этилди.

Партия нашри — «XXI аср» ижтимоий-сиёсий газетаси фаолияти билан боғлиқ масала ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Қобилжон Тошматов партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси вазифасидан озод қилиниб, сиёсий кенгаш ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимига тасдиқланди. «Тошкент трактор заводи» акционерлик жамияти бош директори Муҳаммаджон Аҳмаджонов партия сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси этиб сайланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, партия сиёсий кенгаши аъзоси Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

## АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати ахборот ва маданият вазири Маҳдум Рахин бошчилигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Баҳром Қурбонов билан учрашди.

Афғонистонда узоқ йиллик фуқаролар уруши туфайли илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш соҳалари бутунлай издан чиққан эди. Айни пайтда мамлакат халқаро ҳамжамият, жумладан, Ўзбекистон кўмаги билан тикланиш йўлидан бормоқда.

Мулоқот чоғида меҳмон кўрсатилаётган ёрдам учун Ўзбекистон Президенти ва халқига алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашди. Маданият, маориф соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, кутубхоналар ташкил этиш, маданият масканлари барпо этиш борасида қатор келишувларга эришилди. Афғонистон вазири бу борада ўз юртида ўзбекистонлик мутахассисларнинг тажрибаси ва кўмагига эҳтиёж катта эканини таъкидлади.

Делегация аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Амалий санъат музейида бўлиб, нодир экспонатларни кўздан кечирди. Самарқанд шаҳрини зиёрат қилди.

**(ЎзА).**

## Энергия ва экология

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва энергиянинг янгиланувчи манбалари соҳасидаги ҳамкорликка бағишланган семинар бўлиб ўтди. У АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг ЮСАИД «Эколинк» дастури билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда соҳага алоқадор вазирлик, қўмита, агентлик, илмий марказлар ҳамда қатор АҚШ компаниялари вакиллари иштирок этди.

Семинарни Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг биринчи ўринбосари Н. Нажимов очди.

Ҳозирги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ерга ишлов беришда минераллардан ва сувдан самарали фойдаланиш халқаро миқёсдаги долзарб масалалардандир. Минерал ўғитлар билан ерга ишлов бериш борасида дунёда олдинги ўринларда турувчи Ўзбекистонда бу масалага, хусусан, экология ва янгиланувчи энергия манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий компаниялар билан биргаликда мамлакатимизда янги-янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий қилиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Ерни ва ерости сувларини нитратлардан муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини биомуҳандислик тизимидан фойдаланган ҳолда сув билан таъминлаш, ерости сувлари нефть маҳсулотлари билан ифлосланишининг олдини олишга қаратилган технологик усулларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда қуёш нури билан иситиладиган сув таъминоти бозорининг истиқболларига бағишланган мавзуларда маърузалар тингланди.

**С. РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳат

Брюссель яқинидаги Бран-ле-Шато шаҳарчасида «Ипак йўли бўйлаб» мавзусида кўргазма очилди.

Кўргазма ташкилотчиси — «Синдикат инициатив» сайёҳлик ташкилотидир. Экспозицияда Ўзбекистон, Хитой, Эрон ва Туркия халқлари маданияти ва урф-одатларини ҳикоя қилувчи турли буюмлар, фотография ва санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистонга бағишланган бўлимда ихлосмандлар эътиборига европалик моҳир фотосуратчиларнинг мамлакатимиз шаҳарларига ташриф чоғида яратилган лавҳалари ҳавола қилинаяпти. Шунингдек, кўргазмада халқ амалий санъати асарлари, хусусан, сопол буюмлар, сўзана, гўзаллиги ва яратилиш услуби билан кишини ҳайратга солувчи миниатюра рассомчилиги намуналари, сандиқчалар, китоб мутолааси учун лавҳалар, аёллар ва эркакларнинг зардўз дўппилари ҳамда турли кўринишдаги ҳайкалчаларга кенг ўрин берилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Бран-ле-Шато шаҳарчаси бургомистри Фернанд Лепоивр ва Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси Алишер Шайхов сўзга чиқиб, ушбу тадбир халқларимиз ўртасидаги маданий мулоқотнинг ривожланишига хизмат қилажагига умид билдирдилар.

**Ж. МУТАЛОВ,**
**«Жаҳон» АА.**
**Брюссель.**

## АСКАР ҒУРУРЛАНГАН КУН

Куни-кеча подполковник Мавлонжон Юнусов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тантанага бағишланган митингни қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Исмоил Мирзаев олиб борди.

Тадбирда сўз олган Андижон вилоятидан келган аскар отаси Содиқжон Солиев ва Қашқадарёдан келган посбон онаси Муяссар Воҳидовалар Ватанимиз ҳимоячиларини бугунги қутлуғ кун билан табриклаб, уларнинг юрт олдидаги масъулиятли бурчларини ўташ чоғларида доимо ҳушёр ва сергак туриб, умид билан йўлларига кўз тикиб турган ота-оналарининг юзларини ерга қаратмасдан, уйларига ёруғ юз билан қайтишларини тиладилар.

Оддий аскар Рустам Мирзаев қўлида қурол ушлаб, командирлар, ота-оналар олдида қасамёд қабул қилар экан, кўкси ғурурга тўлиб кетди. У энди Ватан посбони, юрт осойишталигини ҳимоя қилади. Рустамнинг сўзини Андижон вилояти Булоқбоши туманидан келган онаси Насибахон опа ва бобоси бутун вужудлари қулоққа айланиб тинглашмоқда. Ўғлига ғурурла боқиб турган она кўзида ёш қалқиди. Албатта, бу қувонч ёшлари эди. Кечагина ўртоқлари билан кўча чангитиб, ўйнаб юрган фарзанди бугун ҳарбий либос кийиб, ўзи туғилиб ўсган заминни ҳимоя қилаётганидан онанинг хурсандчилиги чексиз.

Аброр ака ва Мавжуда опалар ҳам ўғилларининг Ҳарбий қасамёд маросимини кўриш учун Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидан келишган. Мана шу алп қоматли йигитлар сафида Аброр аканинг кўркам ҳарбий либос кийган ўғиллари Акмалжон ва Низомжонлар ҳам бор. Оддий аскар Низомжон Тошбоев Жиззах педагогика институтининг инглиз филологияси факультетини тамомлаган бўлса, укаси Акмал Ғаллаорол иқтисодиёт коллежининг ҳуқуқшунослик бўлимини тугатган.

— Иккаласи ҳам бир вақтда хизматга чақирилиб қолди, — дейди посбонлар онаси Мавжуда опа. — Айни дамда уларнинг бир жойда хизматини ўтаётганидан жуда хурсандман.

Ҳарбий қасамёд маросими якунлангач, аскарлар ота-оналарига фарзандлари қандай шароитда яшаб, хизмат қилаётганини кўрсатишди. Уларнинг ҳарбий техникадан қандай фойдаланишини намойиш қилиб, қисм командирининг қурол-аслаҳа бўйича ўринбосари майор Ўринбек Каримов йиғилганларга техникалар ҳақида қисқача тушунча ҳам берди.

**Комилжон ҲАСАНОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

●ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД—2004

## ОНТИДАН КЕЧМАЙДИ МАРДЛАР

**Якшанба, 23 май куни Чирчиқ гарнизонида ёш аскарларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**



Тошкент ҳарбий округи қўмондонининг ўринбосари полковник Шокир Жўраев ҳарбий қисм командири подполковник Шуҳрат Наримовдан ҳисоботни қабул қилгач, шахсий таркиб Ҳарбий қасамёд қабул қилишга киришди. Биз эса маросимга келган меҳмонлар таассуротлари билан қизиқдик.

— Қани, кўрмаяпман невара гинамни, — дейди ҳаяжон билан Марғилондан ташриф буюрган 74 ёшли Норинисо ая. Оддий аскар Дилшод Тошпўлатов саф олдига чиққанида онаси Жаннатхон ўғлини дарров топиб олди:

— Қаранг, аяжон, қандай ўзгариб кетибди, бир ой ичида!

Уларнинг ёнида турган ғаллаороллик Бахтиёр Миражов укаси Жаҳонгирнинг жарангдор овозда қасамёд матнини ўқиётганини кўриб, хурсанд:

— Учта ака-укамиз, биз Ватан олдидаги бурчни виждонан ўтаганмиз. Ишончим комил, Жаҳонгир ҳам анъанага содиқ қолиб, юзимизни ерга қаратмайди.

— Биз эса Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидан неварамиз Дилшоджон баҳона бу ерга келганмиз, — деб қўшилди суҳбатга Мурод ота

(Давоми 2-бетда).

## *На верность народу*

Для рядовых Шерали Эгамбердыева, Ахрора Мухамадиева, Хамида Жуманазарова, прибывших для прохождения службы в одну из частей Ташкентского гарнизона из Навоийской, Самаркандской и Хорезмской областей, прошедшее воскресенье стало двойным праздником. На День принятия ими Военной присяги на верность народу и Президенту в часть приехали родные и близкие.

Присутствие многочисленных гостей, родственников и знакомых, представителей Министерства обороны, государственных и общественных организаций придало особую торжественность этому важнейшему событию в жизни каждого военнослужащего.

Реформы, проводимые в Вооруженных Силах, коренным образом изменили отношение молодых людей и их родителей к воинской службе. Сегодня в строю новобранцев, принимающих Военную присягу, нет случайных людей. Все они прошли строгий отбор и нелегкий конкурс в отделах по делам обороны и по морально-психологическим качествам, уровню интеллекта и состоянию здоровья представляют из себя цвет узбекистанской молодежи, лучших из лучших. Ими гордятся родители, на них с завистью смотрят одногодки, словом, каждый из этих парней заслужил право в торжественной обстановке, перед лицом своих товарищей зачитать священные слова воинской клятвы и стать полноправным защитником независимого Узбекистана.

Первым поздравил новое пополнение защитников Родины заместитель Министра обороны Республики Узбекистан по воспитательной работе полковник М. Ахмедов. Внимательно вслушивались в теплые слова опытного офицера-воспитателя новобранцы и их родители. Сегодня государство делает немало для улучшения условий службы и быта солдат срочной службы, повышения престижа воинской службы. Отслуживший в армии молодой человек приобретает большие льготы и преимущества, ему открывается дорога в самые известные вузы и на государственную службу. Все больше солдат срочной службы остаются на контрактную службу, поступают в школы подготовки сержантов и военные училища.

— Мы ознакомились с условиями, в которых проходит служба нашего сына Батыржана, — сказала Зулейхо Норбутаева, приехавшая на день принятия сыном Военной присяги из города Навои, — лично убедились, что здесь ему созданы условия, почти как домашние. Большое спасибо командованию части за заботу о наших сыновьях.

Рядового Шерзода Эгамбердыева приехали поздравить с важным событием мать Ариза, отец Тоштурсун, дядя Расул и тетя Гульноза. Все они с гордостью смотрят на повзрослевшего юношу, которому так идет военная форма.

У многих, принявших сегодня военную присягу, старшие братья отслужили в армии, теперь служат в милиции, в том числе и во внутренних войсках. Они с честью противостоят проискам террористов и экстремистов и уверены — новое поколение защитников независимого Узбекистана тоже не подведет.

Завершилась церемония принятия Военной присяги. Окруженные родными и близкими, новобранцы принимают поздравления. Младший сержант по контракту Хусниддин Намозов, бывший до этого первым наставником новобранцев, доволен своими подопечными — на торжественном построении они все выглядели на отлично. Сегодня их праздник, а завтра они уже заменят в боевом строю тех, кто уволился в резерв. Ведь через несколько дней начнется летний период обучения. С праздником, новички, удачной службы и успехов в боевой учебе!

**Майор**
**Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.**

## Қалбларида шижоат билан

Майор К. Содиқов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда ёш аскарларнинг тантанали равишда қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

Ҳарбий либослари ўзларига мос тушган ёш аскарларимиз бирин-кетин сафдан чиқиб, ташриф буюришган ота-оналар ва меҳмонлар олдида халқига, Президентга содиқ посбон бўлишлари учун қасамёд қилишди.

Сўнг ёш аскарларнинг қасамёд қабул қилиши муносабати билан тантанали митинг ўтказилиб, унда Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Ш. Тўхтаев сўз олиб, посбонларни Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилишдек шарафли хизматларини аъло даражада бажариб, мустақил юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун катта ҳисса қўшишларига даъват этди. Шунингдек, тантанали митингда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, ташриф буюришган ота-оналар табрик учун сўзга чиқишиб, қасамёд қабул қилган аскарларни шодиёна кун билан қутлашди.

Ташриф буюришган ота-оналар фикрларини эшитдик. Самарқандлик Илҳом ака Солиев ва сирдарёлик Маърифат опа Хўжаметовалар фарзандлари Акромжон ва Анваржонларнинг қасамёд қабул қилиш маросимида иштирок этганликларидан жуда хурсанд эканликларини, айниқса фарзандларининг ҳарбий либосда, қўлига қурол олиб қасамёд қабул қилиш дақиқаларида ҳаяжондан кўзларига ёш олганларини, шу билан бирга аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар учун ҳарбий қисм қўмондонлигидан миннатдор эканликларини яна бир марта таъкидлаб ўтишди.

Ёш аскарларимизнинг қалбларидаги энг унутилмас кун катта концерт дастури билан давом этди ва узоқ-яқиндан келган ота-оналар, меҳмонлар ҳамда аскарларимиз байрам дастурхонига таклиф этилди.

**Шартнома бўйича хизмат сержанти Аманбай АРЗИЕВ.**
**Нукус гарнизони.**

● МОЛОДЫЕ ОФИЦЕРЫ — БУДУЩЕЕ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

## Достойный преемник

**Выпускник ТВОКУ 2001 года, старший лейтенант Тохир Азимов, принял должность командира разведывательного взвода в разгар зимней боевой учебы. Время показало, что молодой офицер стал достойным преемником — на состязаниях разведчиков округа его подчиненные были названы лучшими.**

Капитану Олимжону Самадову, проходящему в эти дни обучение на курсах в Академии Вооруженных Сил, можно по праву гордиться тем, что годы совместной службы не прошли даром для нового лидера коллектива — настрой на победу здесь сохранен боевым. Старший лейтенант Азимов также считает своим наставником офицера Бахтиера Сотволдиева, с первых дней службы помогавшего ценными советами.

Однако недаром говорится — хорошо помогать тому, кто сам упорно стремится все постичь и неустанно трудится над собой. А упорства и трудолюбия офицеру Азимову не занимать. Оттого и на окружных соревнованиях группе разведчиков под командованием младшего сержанта Батыра Рахматова не было равных. Особенно это было заметно на 30-километровом марше — стартовали они шестыми, а пришли на финиш первыми, показав не только лучшее время, но и высокое качество боевой работы.

Конец зимы и начало весны — далеко не идеальное время для ночных перемещений, но воины успешно справились с задачами: передвижение по азимутам, поиск, засада, попутные тренировки, оборудование боевого поста охранения. В состязаниях среди снайперов метким огнем превзошел всех младший сержант Акбар Хуббимов, да и пулеметчик младший сержант Умар Алланазаров с гранатометчиком младшим сержантом Санжаром Саъдуллаевым показали себя истинными профессионалами. В преодолении «заминированных участков» и установлении растяжек отличился сапер младший сержант Уткир Расулов. Одним словом, каждый из этих военнослужащих по контракту проявил себя с лучшей стороны.

Отменную физическую подготовку показали ребята и на трассе 10-километрового марш-броска с полной выкладкой — услуги фельдшера взвода младшего сержанта Холбоя Норматова не пригодились, да и водитель младший сержант Шерзод Жумаев доказал умение быстро передвигаться и в пешем порядке.

В зимнем периоде у разведчиков стажировался курсант четвертого курса ТВОКУ Даврон Журабаев — всем пришлись по душе его стремление влиться в коллектив, старание и настойчивость. Теперь здесь с нетерпением ждут выпуска, очень надеясь, что молодого лейтенанта направят к ним командиром группы.

Что ж, отрадно видеть, как старший лейтенант Тохир Азимов не только сам стал достойным преемником своих наставников, но и заботится о подготовке молодых офицеров, которые со временем примут эстафету отличного ратного труда у него самого. Ведь этим и силен воинский коллектив — верностью традициям, преемственностью поколений. Нет сомнений, что и в летнем периоде обучения те молодые офицеры, которые придут сюда после выпуска из военных училищ, встретят здесь достойный прием и с честью продолжат традиции успехов в боевой учебе.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

## Сайёрамиз садоси • Пульс планеты

Премьер-министр Канады Пол Мартин назначил на 28 июня дату выборов в парламент. Эти выборы могут стать серьезным вызовом для возглавляемой им Либеральной партии, позиции которой в настоящее время ослабли из-за споров по вопросу о расходовании бюджетных средств. На встрече с генерал-губернатором Адриенн Кларксон, представляющей в Канаде британскую королеву, премьер заручился ее согласием на назначение новой даты выборов и последующий роспуск парламента.

***

Китайские ученые начали испытывать на людях вакцину против атипичной пневмонии. Об этом сообщают китайские СМИ. По их данным, всего в эксперименте, который проводится в одном из госпиталей Пекина, участвуют четыре добровольца в возрасте до 30 лет. Представители госпиталя, в котором якобы испытывается на людях вакцина, заявили, что не могут подтвердить эти сообщения.

***

Персонал и пассажиры терминала 2Е парижского аэропорта Руасси были срочно эвакуированы по причине непонятного «треска», доносившегося со свода здания. На месте работают десятки пожарных и следователь. Накануне в результате частичного обрушения перекрытия в терминале 2Е аэропорта Руасси четыре человека погибли и трое получили ранения.

***

Еще 47 детей в возрасте от 6 месяцев до 2 лет, отравившихся продукцией киевской молочной фабрики-кухни, госпитализированы за прошедшие сутки в Киеве. В целом с начала вспышки эпидемии в больницы Киева и Киевской области попали 287 малышей. По данным МЧС, дети госпитализированы в шесть киевских больниц, а также в ряд больниц области. Состояние госпитализированных оценивается как состояние средней тяжести.

***

Гражданин Литвы пытался вывезти из Калининградской области более 50 кг янтаря. Как сообщили в отделе по взаимодействию со средствами массовой информации Северо-Западного таможенного управления, янтарь-сырец весом 51,5 кг был конфискован на таможенном пункте. Гражданин Литвы пытался вывезти его в Прибалтику в бензобаке своего автомобиля.

**(По страницам Интернета).**

